O‘ZBEKISTON
IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№87 (840) 2024 йил 25 октябрь, жума
uzbunyodkor t.me/uzbunyodkor uzbunyodkor info@uzbunyodkor.uz uzbunyodkor.uz
Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТНИНГ УМУМИЙ МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИШ ЙЎЛИДА ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 23-24 октябрь кунлари БРИКС бирлашмаси давлатларининг саммитида иштирок этиш учун амалий ташриф билан Қозон шаҳрида бўлди.

Давлатимиз раҳбари 24 октябрь куни “БРИКС плюс” саммитининг ялпи мажлисида нутқ сўзлади.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин раислигида ўтказилган тадбирда Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин, Жанубий Африка Республикаси Президенти Сирил Рамафоса, Миср Араб Республикаси Президенти Абдулфаттоҳ ас-Сиси, Эрон Ислом Республикаси Президенти Масъуд Пезешкиён, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Токаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов, Арманистон Республикаси Бош вазири Никол Пашинян, Вьетнам Социалистик Республикаси Бош вазири Фам Минь Тинь, БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш, бошқа бир қатор давлатлар, халқаро ташкилотлар ва молиявий тузилмаларнинг раҳбарлари ҳамда юқори даражали вакиллари иштирок этди.

Кун тартибига мувофиқ, инклюзив ва барқарор ривожланишни таъминлаш мақсадида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш масалалари, шунингдек, глобал ва минтақавий сиёсатнинг долзарб муаммолари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти “БРИКС плюс” форматидаги учрашувлар глобал ривожланишнинг долзарб масалаларида кенг мулоқот ва очиқ муҳокамалар учун муҳим эканини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари бугунги кунда дунё жадал бўлиниб бораётганини, инсонларга улкан азоб-уқубатлар, оғир изтироб ва ўрнини тўлдириб бўлмайдиган йўқотишлар келтираётган уруш ва можаролар сони ортаётганини афсус билан қайд этди.

– Жаҳон иқтисодиёти ва савдосининг парчаланиб бораётгани тенгсизлик, технологик узилишлар ва протекционизмни кучайтирмоқда. Мамлакатлар ўртасида янги тўсиқлар вужудга келмоқда, – деди Шавкат Мирзиёев.

Бундай шароитда тенг ҳуқуқлилик, блоклардан холилик, бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш, суверенитетга ва ўзининг мустақил тараққиёт йўлига эга бўлиш ҳуқуқига ҳурмат каби тамойилларга асосланиб ҳаракат қилаётган БРИКС ўзини кўп томонлама ҳамкорлик ҳамда шериклигининг нуфузли ва ривожланиб бораётган тузилмаси сифатида намоён этмоқда.

Ўзбекистон етакчиси ўзаро алоқаларнинг бундай модели БМТнинг марказий ролини сақлаган ҳолда жаҳон тартиботининг бугунгидан кўра адолатлироқ янги архитектурасини шакллантириш учун мустаҳкам асос бўлиши мумкинлигига ишонч билдирди.

Геосиёсий рақобат, миллий эгоизм ва мафкуравий қолиплардан холи бўлган, конструктив мулоқот йўли билан глобал муросага эришиш бўйича янграган даъватлар қўллаб-қувватланди.

– Жаҳондаги бошқарув институтларини ислоҳ қилиш ҳамда “Жануб – Жануб” ва “Шимол – Жануб” форматларидаги масъулиятли мулоқотларни кенгайтиришнинг вақти келди, деб ҳисоблаймиз, – деди Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистон БРИКС давлатлари билан шериклик алоқаларини бундан буён ҳам фаол чуқурлаштириш, ушбу бирлашма доирасида очилаётган янги имкониятлардан самарали фойдаланиш ниятида экани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари БРИКС мамлакатларининг глобал тенгсизлик ва иқтисодиётни инклюзив йўл билан қайта тиклаш муаммоларини ҳал этиш мақсадида ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги фундаментал содиқлигини қўллаб-қувватлади.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон устувор инвестициявий ва ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш учун БРИКСнинг янги Тараққиёт банки билан яқин ҳамкорлик ўрнатишни режалаштирган ҳамда инновация, рақамли иқтисодиёт, “яшил” тараққиёт ва энергетика, тўсиқларсиз электрон тижорат каби соҳаларда амалий ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор.

Шунингдек, Ўзбекистон БРИКС сунъий интеллект бўйича Тадқиқот гуруҳининг қўшма лойиҳаларида иштирок этиш, ЮНИДО ҳузурида ташкил этилаётган Компетенциялар марказига, шунингдек, таклиф этилаётган Инвестиция платформасига қўшилиш ниятида.

Президентимиз Ўзбекистон БРИКСдаги шериклари билан биргаликда транспорт соҳасидаги боғлиқликни кучайтириш, янги трансконтинентал йўлакларни яратиш, етказиб беришнинг ишончли логистика занжирларини шакллантириш, каботаж ташувлар тизимини ривожлантириш борасида яқиндан иш олиб боришга тайёрлигини билдирди.

Озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлигини таъминлаш, иқлим ўзгаришларининг салбий оқибатларини бартараф этиш, соғлиқни сақлаш масалаларида ҳам ҳамкорлик қилиш муҳим экани қайд этилди.

Ташкилот доирасида ишбилармонлар ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаб, давлатимиз раҳбари барча манфаатдор мамлакатларга БРИКСнинг Ишбилармонлар кенгашига қўшилиш имкониятларини кўриб чиқишни таклиф этди.

Халқаро терроризм билан боғлиқ хавф ва таҳдидларга қарши курашиш ҳақида сўз юритар экан, Ўзбекистон раҳбари радикаллашув ва экстремистик ғояларнинг, аввало, ёшлар ўртасида тарқалишининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатиб ўтди.

Яқин Шарқдаги можаро тобора кескинлашиб бораётгани, бу минтақа қўшни мамлакатлар ва йирик давлатларнинг бу можарога тортилиши билан глобал инқирознинг йирик ўчоғига айланиб бораётгани алоҳида ташвиш билан қайд этилди.

– Биз Ғазо ва Ливандаги мисли кўрилмаган гуманитар фожиани қалбимиздаги оғриқ ҳисси билан қабул қиляпмиз. Тинч аҳоли, айниқса, болаларнинг бегуноҳ қурбон бўлишини ҳеч қандай сиёсий мақсадлар оқлай олмайди, – деди Шавкат Мирзиёев.

Бугунги кунда ўт очишни зудлик билан тўхтатиш ва жабрланганларга шошилинч ёрдам кўрсатиш кечиктириб бўлмайдиган вазифалар экани таъкидланди.

– Исроил – Фаластин муаммосининг ягона ечими – “икки халқ учун икки давлат” тамойили асосида можарони тинч йўл билан ҳал қилиш бўлиб қолмоқда, – деди Президент.

Афғонистон муаммосига тўхталиб, давлатимиз раҳбари ушбу мамлакатни яккалаш эмас, балки Афғонистон халқига ва унинг амалдаги ҳокимиятига ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, тинч қурилиш ва тараққиётнинг долзарб муаммоларини ҳал этишда ёрдам кўрсатиш умумий вазифа эканини қайд этди.

Сўзининг якунида Ўзбекистон етакчиси барқарор тараққиётнинг умумий мақсадларига эришиш учун БРИКС мамлакатлари билан яқин ва ўзаро манфаатли ҳамкорликка тайёрлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БРИКС саммити доирасида Вьетнам Социалистик Республикаси Бош вазири Фам Минь Тинь билан учрашув ўтказди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Вьетнам ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик ва амалий алоқаларни, айниқса, савдо-иқтисодиёт ва инвестиция соҳаларида ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Ҳукуматлараро ва идоралараро мулоқотларга тизимли тус бериш зарурлиги таъкидланди. Томонлар келгуси йил бошида Ханой шаҳрида Савдо-иқтисодий масалалар бўйича қўшма комиссиянинг навбатдаги йиғилишини, шунингдек, бизнес форуми ва саноат кўргазмасини ўтказишга келишиб олдилар.

Янги лойиҳаларни илгари суриш мақсадида нефть-кимё, электротехника, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда саноат кооперациясини ривожлантириш дастурини тайёрлаш таклиф этилди. Ишбилармонлик ва сайёҳлик алоқаларини, шу жумладан, визасиз тартиб жорий этиш орқали кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Бўлажак олий ва юқори даражадаги учрашувлар жадвали кўриб чиқилди. Бош вазир Фам Минь Тинь Ўзбекистон Президентини расмий ташриф билан Вьетнамга келишга таклиф этди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қозон шаҳрига амалий ташрифи якунланди.

ЎзА.

ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА







ПОЙТАХТИМИЗНИНГ HYATT REGENCY МЕҲМОНХОНАСИДА ХАЛҚАРО АРХИТЕКТУРА КОНГРЕССИ “ARCHICA – 2024” БЎЛИБ ЎТДИ

Унда архитектура ва дизайн соҳасида жаҳон миқёсида таниқли мутахассислар, экспертлар, шунингдек, Янги Тошкент дирекцияси Архитектура ва шаҳарсозлик департаменти бошлиғи Жаҳонгир Анваров иштирок этди.

Конгрессда халқаро экспертлар тарихий меросга эга шаҳарлар учун мастер-режа ва умумий режалар, замонавий шаҳарлар учун чакана савдо имкониятлари, келажак офислари, “Яшил” инвестицияларнинг аҳамияти ва уларнинг жозибадор нуқталарини шакллантиришдаги роли, фуқароларни шаҳар муҳитини ривожлантиришга жалб этиш, санъат ва жамият ўртасидаги диалог орқали шаҳар муҳитини яхшилаш каби мавзуларда фикр алмашдилар.

Конгресснинг асосий мақсади – шаҳар муҳитини яхшилаш ва фуқароларни ривожлантириш жараёнларига жалб этишдан иборатдир. Мазкур тадбир Ўзбекистонда архитектура соҳасининг келажаги учун муҳим платформа бўлди.

Фахрийлар кенгаши йиғилиши ўтказилди

Ҳукуматнинг тегишли қарори билан Архитектура ва қурилиш соҳасида Фахрийлар кенгаши ташкил этилган эди. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида мазкур кенгашнинг йиғилиши бўлиб ўтди.







Унда шаҳарсозлик ва архитектура соҳасини ривожлантиришга доир масалалар кўриб чиқилди. Фахрийлар кенгаши раиси Козим Туляганов бошчилигида олиб борилган йиғилишда таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳақида сўз юритилди.

Муҳокамалар давомида шаҳарсозлик норма-қоидалари ва стандартларни такомиллаштиришда таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда соҳада концепция ва дастурларни шакллантиришда иштирок этиш, хусусан, миллий архитектура-маданий анъаналарини ривожлантириш ҳамда аҳоли пунктларининг архитектурасини режалаштириш бўйича керакли тавсиялар ишлаб чиқишга келишиб олинди. Хусусан, Васийлик Кенгаши аъзоларининг келгусидаги вазифаларига оид чора-тадбирлар белгиланди.

Раҳбарият қабули ташкил этилди

Ҳафтанинг ҳар сешанба ва чоршанба кунларида Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармасида фуқаролар қабулини ташкил этиш йўлга қўйилган. Навбатдаги фуқаролар қабулида 30 дан зиёд мурожаат туман қурилиш бўлими мутахассислари томонидан ўрганилди.

Мулоқотларда хусусийлаштириш, қурилиш юзасидан ўзаро низолар, лойиҳани келишиш каби масалалар бўйича ҳуқуқий тушунчалар берилди ҳамда бошқа масалалар тегишли ташкилотларга йўналтирилди.

Хусусан, бошқармада раҳбарият қабули ҳам ташкил этилиб, унда Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари – бош муҳандис Жасур Раҳимов, соҳа мутахассислари ва фуқаролар иштирок этишди. Қабулда Миробод, Янгиҳаёт, Олмазор ва Бектемир туманларидан маслаҳат сўраб келган фуқароларнинг масалалари тингланди ва ҳуқуқий тушунчалар берилиб, амалий жиҳатдан ёрдам кўрсатилди.

Долзарб масалалар муҳокама қилинди

Тошкент вилоятининг Олмалиқ шаҳри ҳокимлиги биносида Вазирлар Маҳкамасининг 654-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Тоир Алиматов ва шаҳар ҳокимлиги мутасаддилари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Олмалиқ шаҳрини архитектуравий жиҳатдан ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Хусусан, шаҳар кўчаларини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва қайта реконструкция қилиш, ноқонуний қурилмаларни бартараф этишга доир масалалар кўриб чиқилди. Бу борада тегишли ташкилотларга топшириқлар берилди. Бундан ташқари, кўп қаватли уйларнинг фасад қисмларига эътибор бериш, шаҳардаги “Олтин олма” хиёбонини аллея қилиб қурилиши, шунингдек, шаҳар марказий кўчасини реконструкция қилишга доир ишларни амалга ошириш юзасидан вазифалар белгилаб олинди.

Ҳамкорликдаги лойиҳа бошланди

Пойтахтимизда “Давлат хизматчиларининг салоҳиятини ошириш дастури”нинг очилиш маросими бўлиб ўтди.



Лойиҳа Ўзбекистон ва Корея ҳамкорлигида ишлаб чиқилган бўлиб, у мамлакатимизда давлат хизматини модернизация қилишга кўмаклашиш, давлат хизматчиларининг кадрлар салоҳиятини бошқариш ҳамда ривожлантириш (ҲРМ) бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, пилот вазирликларда бизнес жараёнларининг реинжиниринги (БПР) ўтказишга йўналтирилган.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, Корея Давлат бошқаруви институти (КИПА) масъуллари, Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (КОИСА)нинг Ўзбекистондаги офиси ва Кореянинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиллари, “Давлат хизматчиларининг салоҳиятини ошириш дастури” номли Q-DEEP лойиҳаси иштирокчилари, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги мутасаддилари, бошқа вазирлик ҳамда идораларнинг инсон ресурсларини бошқариш бўлинмалари раҳбарлари иштирок этишди.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№87 (840) 2024 йил 25 октябрь

Асосий мақсад – АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ



Аъзамжон ЖАЛИЛОВ, Наманган вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи.

Мамлакатимизда уй-жой соҳасидаги ислоҳотларни самарали ташкил этилиши натижасида “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш кўлами кенгайтирилмоқда. Бозор тамойилларига асосланган алоҳида дастур доирасида ҳудудларда замонавий архитектура кўринишига эга кўп қаватли уйлар барпо этилаётгани фикримизнинг далилидир.











Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 30 апрелдаги “2024 йилда ипотека кредитларини ажратиш механизмларини такомиллаштириш ва аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилда Наманган вилоятида 7 200 та хонадонли 152 та кўп қаватли уй қуриш режалаштирилган. Шундан, 971 та хонадонли 27 та кўп қаватли уй Давлатобод, Чуст ва Поп туманларидаги “Янги Ўзбекистон” массивларида ҳамда 6 229 та хонадонли 125 та кўп қаватли уй эса бошқа ҳудудларда қад ростлаши белгиланган.

Бугунги кунда умумий қурилиш ишлари 77 фоиз бажарилган бўлиб, 1 826 та хонадонли 44 та, шундан “Янги Ўзбекистон” массивларида 473 та хонадонли 15 та (55 фоиз) уй фойдаланишга топширилди. 2024 йилда 1 580 нафар фуқарога 521,4 миллиард сўм янги уй-жой сотиб олиш учун ипотека кредити ва 500 нафар фуқарога 51 миллиард сўм якка тартибдаги уй-жойни реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларига ҳамда 513 нафар фуқарога 152,2 миллиард сўм “Ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” АЖ томонидан қайта молиялаштириладиган маблағ ажратилиши кўзда тутилган. Ҳозирга қадар амалда 431 нафар фуқарога 131,1 миллиард сўм кредит ажратилди.

Юқорида келтириб ўтилганидек, “Янги Ўзбекистон” массивларида 691 хонадонли 13 та кўп қаватли уйлар Давлатобод туманида барпо этилаётган “Янги Наманган” шаҳарчасида, 220 хонадонли 11 та кўп қаватли уй Чуст туманидаги “Гулзор” массивида, 60 хонадонли 3 та кўп қаватли уй эса Поп туманидаги “Миришкор” массивида қурилмоқда. Булардан ташқари, “Ташаббусли бюджет”нинг 2024 йил 1-мавсуми якунларига кўра, 251,8 миллиард сўмлик 220 та лойиҳа ғолиб деб топилган. Бунинг натижасида йўл, мактаб, тиббиёт маскани, касб-ҳунар мактаби, кўп қаватли уй, ичимлик суви, олий таълим муассасаси, мактабгача таълим биноси, спорт ва бошқа иншоотлар барпо этилди.

Ушбу лойиҳаларнинг 44 таси жиҳоз сотиб олиш ва 176 таси қурилиш-таъмирлаш ишларини ташкил қилади. Қурилиш-таъмирлаш ишлари доирасида 176 та объект бўйича лойиҳа-қидирув ташкилотини аниқлаш учун тендерга эълон берилди. Ҳозирда лойиҳачилар аниқланиб, лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилган. Ушбу объектлар бўйича ижобий экспертиза хулосалари ҳам олинди. Дастур доирасида лимитга нисбатан 22,2 миллиард сўм ёки 10,3 фоиз маблағ иқтисод қилинди. Шунингдек, барча объектлар бўйича ғолиб пудрат ташкилотлари аниқланиб, қурилиш ишлари бошланган. Ҳозирга қадар уларнинг 84 таси фойдаланишга топширилди. Қолаверса, маҳалла инфратузилмасини яхшилаш бўйича МФЙларда аҳолини сув билан таъминлаш, темир-бетон таянч ўрнатиш, электр узатиш тармоғи тортиш, трансформатор ўрнатиш, йўлларни шағаллаштириш, асфальтлаш ҳамда кўприкларни таъмирлаш ишлари бажарилди.

Вилоятдаги бунёдкорлик ишлари ҳақида сўз борганда, Давлатобод туманидаги “Юксалиш” МФЙ ҳудудида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам тўхталиш лозим. Бу ерда 2 миллиард сўмлик газ тақсимлаш станциясини қуриш режалаштирилган. Бунинг натижасида кичик саноат зонасидаги 158 нафар тадбиркор ҳамда 78 та кўп қаватли ва ҳовли-уйлардаги 3 512 та хонадон табиий газ билан таъминланади. 2024 йилнинг август ойидан бошлаб объектда қурилиш ишлари 56 фоизга бажарилиб, шу кунларда фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Шунингдек, ҳудудда 13 миллиард сўм маблағ ҳисобига 2 та соғлиқни сақлаш ва 1 та мактабгача таълим объектида ҳам қурилиш ишлари бажарилади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 8 февралда қабул қилинган “Мактабгача ва умумий ўрта таълим соҳаси объектларини барпо этишда буюртмачи хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида 303,9 миллиард сўмлик 48 та мактаб ва 82,1 миллиард сўмлик 11 та мактабгача таълим ташкилоти объектида қурилиш ишлари амалга оширилиши белгиланган. Шулардан 59 та объектнинг 8 тасида янги қурилиш, 47 тасида реконструкция қилиш ва 4 тасида мукаммал таъмирлаш ишлари бажарилади. Ҳозирда объектлар бўйича шаҳарсозлик экспертизаси ҳамда 49 таси бўйича комплекс экспертиза (НАПУ) хулосаси олинган. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тендер жараёнида 90,7 миллиард сўм маблағ иқтисод қилинди. Дастур доирасида 59 та объект юзасидан пудратчини танлаш бўйича тендер савдоларига чиқарилиб, 59 таси бўйича ғолиблар аниқланди. Уларда 80 фоиз ишлар бажарилиб, 31 та объект фойдаланишга топширилди. 1 ноябрга қадар яна 8 та янги иншоот қурилиши якунига етказилиб, фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2024 – 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, ҳудудларда, айниқса, маҳаллаларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини янада ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш ҳамда тадбиркорлар учун қулай инвестиция муҳитини яратиш белгилаб берилган. Айнан шу қарорга асосан, вилоятда 862,6 миллиард сўмлик 161 та объектда қурилиш ишлари бажарилиши белгиланган. Шундан 130 таси янгидан бошланувчи ва 31 таси йилдан йилга ўтувчи бўлиб, 106 таси бўйича пудратчини танлаш учун тендерга чиқарилиб, 105 тасида ғолиблар аниқланди. Тендерга чиқарилмаган 24 та объект Вазирлар Маҳкамасининг Раёсат баёни билан қўшимча киритилганлиги сабабли ҳозирда лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Дастур доирасида лойиҳа-сметага нисбатан 172,7 миллиард сўм маблағ иқтисод қилинди.

Бугунги кунда 2024 йилда топширилиши белгиланган 148 та объектдан 21 таси фойдаланишга қабул қилинди. Албатта, барча уй-жойларни куз-қиш мавсумига шай қилиш бугунги куннинг энг долзарб масаласи ҳисобланади. Шу боис, Наманган вилоятида ҳам куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш юзасидан тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жорий йилги дастурга асосан, вилоят бўйича жами 150 та кўп қаватли уй-жойларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш режасига киритилган бўлиб, ушбу уйларда бошқарув сервис компаниялари билан биргаликда жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги ПҚ-5084-сон қарорига асосан, Давлатобод туманида марказлашган иссиқлик тизимини қуриш ва реконструкция қилишга “Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси” ҳисобидан 15 миллион АҚШ доллари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 15 мартдаги 40-сон Раёсати мажлиси баёни билан қўшимча 118 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Бугунги кунда лойиҳа доирасида “РК-1” ва “РК-2” қозонхоналари қурилиб, ҳар бирининг қуввати 14 МВТ бўлган 8 та қозон ўрнатилди. “РК-1” қозонхонаси фойдаланишга топширилиб, 2021-2022 йиллар куз-қиш мавсумидан бошлаб Давлатобод туманидаги “Навбаҳор”, “Мустақиллик”, “Тўқувчи” ва “Порлоқ” МФЙлардаги 7 655 та хонадон ва 37 та ижтимоий соҳа муассасаси кафолатли иссиқлик билан таъминланди.

Бундан ташқари, 2024 йилги Инвестиция дастурига асосан, 41,3 миллиард сўм маблағ ажратиган бўлиб, “РК-2” қозонхонасини қуриш ва ҳудуддаги кўп квартирали уйларнинг ички иссиқлик тизимларини модернизация қилиш ишлари олиб борилмоқда. Бунинг натижасида 198 та уйдаги 8 627 та хонадон ва 17 та ижтимоий соҳа муассасаси кафолатли иссиқлик билан таъминланади. Бугунги кунда “РК-2” қозонхонаси учун 30,7 километр магистрал тармоқ тортиш режалаштирилган бўлиб, бу режа ҳозирда тўлиқ бажарилди. “РК-2” марказий қозонхона ҳудудидаги 8 752 та хонадондан иборат 198 та кўп қаватли уй ҳамда 17 та ижтимоий соҳа объектига иссиқлик энергиясини етказиб бериш мақсадида 30,2 километр иссиқлик тармоқлари ҳамда 202 дона ИИП ўрнатилиши кўзда тутилган.

Хулоса қилиб айтганда, вилоят миқёсида босқичма-босқич ва тизимли тарзда амалга оширилаётган барча қурилиш, бунёдкорлик ҳамда реконструкция ишлари аҳоли фаровонлигини янада ошириб, ҳаёт даражасини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Зеро, асосий мақсадимиз ҳам шу – аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилаш орқали уларга қулай яшаш муҳитини яратишдан иборат.

Қурилиш соҳасида назорат тадбирлари ўтказилди

Келгуси йилда янгидан бошланувчи 876 та объектга 7,5 трлн сўм маблағ ажратилиши белгиланди. АОКАда Бош прокуратура масъул ходими Фаррух Султонов иштирокида қурилишга оид Давлат дастурлари ижроси таҳлили юзасидан бўлиб ўтган брифингда бу ҳақда батафсил маълумот берилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 декабрдаги 43- ва 2022 йил 17 ноябрдаги 425-сонли қарорларига асосан, прокуратура органлари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида қурилиш соҳасида бир қатор назорат тадбирлари ўтказилди. Прокуратура органлари томонидан Инвестиция дастури доирасида 2 минг 530 та, “Янги Ўзбекистон” массивларидаги 996 та, Маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида 1 минг 420 та ҳамда “Ташаббусли бюджет” лойиҳасидаги 3 минг 864 та объектда қурилиш ишларининг сифатли бажарилиши ва ажратилган маблағнинг мақсадли сарфланиши юзасидан мониторинг олиб борилмоқда.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 8 февралдаги 65-сонли қарорига асосан, “Инфратузилмани ривожлантириш инжиниринг компанияси” давлат муассасаси фаолиятини йўлга қўйиш ва вазифалар ижросини таъминлашга кўмаклашилди. Хусусан, қарор ижроси доирасида режа-жадвалга асосан, республикадаги объектлар жойига чиққан ҳолда ўрганилди. Юклатилган вазифалар ижроси “республика – вилоят – туман” даражасида кунлик муҳокама қилиниб, мавжуд муаммолар жойида ҳал этилиши йўлга қўйилди. Ишлаб чиқарувчи ташкилотлар билан 1 трлн 400 млрд сўмлик шартномалар тузилиб, объектларга 1 трлн 100 млрд сўмлик қурилиш материаллари етказиб берилиши таъминланди.

Булардан ташқари, 747 та мактаб ва мактабгача таълим ташкилоти учун қурилаётган бинолардан самарали фойдаланиш орқали 184 мингта ўқув ўрнини қўшимча 107 мингтага кўпайтиришга имконият яратилди. Қурилиши суст олиб борилаётган объектларга қўшимча 357 та бригада ёки 8 074 нафар ишчи жалб қилиниб, икки сменада иш ташкил этилди. 2 062 та махсус техника ва 346 нафар мутахассис жалб қилинди. 1 015 та давлат рўйхатидан ўтмаган ноқонуний қурилма аниқланиб, барчаси рўйхатдан ўтказилди. Ижтимоий соҳа объектлари, шу жумладан мактаб, боғча ва шифохоналар ҳудудидаги 42 та ноқонуний қурилма бартараф эттирилди.

Жорий йилда республикадаги уй-жойга талаб юқори бўлган ҳудудлар ва “Янги Ўзбекистон” массивларида жами 36 078 хонадонли 802 та уй-жой қурилди. Массивларни қулай инфратузилма билан таъминлаш мақсадида 123 километр ичимлик суви ва 128 километр оқова сув тармоғи тортилди. 18 та сув иншооти ўрнатилиб, 52 километр йўл, 42 километр табиий газ қувури, 144 километр электр тармоғи тортилди. 138 дона янги трансформатор ўрнатилди. Массивларда яшовчи аҳоли учун 16 та мактаб, 23 та мактабгача таълим ва 14 та тиббиёт объектлари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

2025 йил учун мўлжалланган ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури жамоатчилик фикри асосида шакллантирилди. Штаблар томонидан ҳар бир объект жойига чиққан ҳолда хатловдан ўтказилиб, 2 трлн сўмлик 300 тага яқин объект дастурга асоссиз киритилишининг олди олинди. Келгуси йилда янгидан бошланувчи 876 та объектга 7,5 трлн сўм маблағ ажратилиши белгиланди. Ушбу объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари пухта ишлаб чиқилиши ва бюджет маблағларини иқтисод қилиш устидан алоҳида назорат ўрнатилган. Ўз навбатида, объектларда ўтказилган мониторинг тадбирларида 1 минг 963 та ҳолатда сифатсиз бажарилган 54 млрд сўмлик ҳамда 722 та ҳолатда ҳисоботларга қўшиб ёзилган 73 млрд сўмлик ишлар бартараф эттирилиб, содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олди олинди.

Таъкидлаш жоизки, ўтган давр мобайнида 11 455 нафар жисмоний ва юридик шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланиши таъминланди.

Ҳозирда Давлат дастурлари ижроси юзасидан назорат тадбирлари давом этмоқда.

Ўз мухбиримиз.

Сифат бош масала

Фахриддин АҲМЕДОВ, Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси мутахассиси.

Жорий йилда вилоятимизда умумий ҳисобда 4487 та хонадонга мўлжалланган 146 та кўп қаватли уй-жой қуриб фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Бугунги кунда ушбу объектларда ишлар қизғин давом этмоқда. Жадаллик билан олиб борилаётган қурилиш ишларида сифат бош масала этиб белгиланган. Зеро, белгиланган меъёрларга амал қилган ҳолда иш олиб бориш қурувчилар зиммасидаги бурч ва масъулиятдир. Аммо эътиборсизлик туфайли қурилишда сифат унутиб қўйилса, жавобгарликка олиб келиши тайин.

Бугунги кунда хусусий тадбиркорлар томонидан қурилаётган кўп қаватли турар жой биноларида аниқланган шаҳарсозлик норма ва қоидаларидан четга чиқиш, тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларини қўпол равишда бузиш ҳолатлари юзасидан ҳам инспекциямиз томонидан давлат назорати ўрнатилган. Ўрнатилган тартиб бўйича буюртмачи, лойиҳачи, пудратчи ташкилотларга ёзма кўрсатмалар берилиб, қурилиш сифати назорат қилинмоқда. Хусусан, жорий йилда бундай ҳолатлардан 50 таси аниқланиб, бартараф этиш чоралари кўрилди. Масъул ходимларига нисбатан инспекция томонидан берилган кўрсатмаларни бажарилмаганлик ҳолатлари бўйича аниқланган 510 та ҳолат бўйича маъмурий баённомалар расмийлаштирилиб, тегишли суд органларига йўналтирилди.

Шу билан бирга, қурувчи ташкилот вакилларига ҳам бир қатор қулайликлар яратилмоқда. Қурилиш соҳасида қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга кўра, қурилиш муддати кечикиб, давлат рўйхатидан ўтказишга улгурмай қолган қурувчи ташкилотларга қўшимча енгиллик берилди. Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан, 1 апрелгача рўйхатдан ўтмаган объектларга эгалик ҳуқуқи бериш тақиқланган эди. Эндиликда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида юртбошимиз ташаббуси билан қарор муддати 2024 йилнинг 31 декабригача узайтирилди. Бино ва иншоотларни харид қилиш жараёнида, айниқса, кўп қаватли турар жойларни сотиб олишда объектнинг паспорти, яъни шаҳарсозлик ҳужжатларини сўраш керак бўлади. Мақсад – учар тадбиркорларга алданиб қолмаслик.

Маълумки, қурилиш ҳажмининг ошиши коммунал соҳада ҳам талабнинг кўпайишига олиб келади. Инспекция ходимлари томонидан ичимлик суви, коммуникация тармоқларига ноқонуний уланиш ҳамда фойдаланишни бартараф этиш мақсадида назорат тадбирлари олиб борилмоқда. Натижада ижтимоий соҳа объектлари ва аҳоли хонадонларининг тизимга қонуний уланиши таъминланиб, хизмат кўрсатиш сифати яхшиланмоқда. Хусусан, йил бошидан 56 та маҳалладаги 1000 га яқин хонадонда 2,5 минг аҳоли билан ичимлик сувига шартнома расмийлаштирилди. Ичимлик сувининг сифатини аниқлаш бўйича 28 ҳолатда ичимлик суви сифати талаб даражада эмаслиги аниқланиб, ҳудудий туман филиалларига кўрсатмалар киритилди. Тизимда содир бўлиши мумкин бўлган авариялар бўйича 123 та ҳолатда вилоят сув таъминотига кўрсатма киритилди.

Олиб борилаётган назорат тадбирлари давомида мазкур камчиликлар вақтида бартараф этилиб, уларнинг қайта такрорланишининг олдини олиш чоралари кўрилмоқда.

MEN SAYLOVGA TAYYORMAN!

Nargiza AXTAMOVA, Toshkent davlat yuridik universiteti talabasi.

Saylov jarayonlari nafaqat huquqimiz, balki burchimiz ham hisoblanadi. Chunki saylovda ishtirok etish orqali jamiyat rivojiga hissa qo‘shgan bo‘lamiz. Nomzodlarning saylovoldi dasturlari bilan tanishish orqali munosib nomzodni saylash muhim hisoblanadi. Shunday ekan, men saylovda ishtirok etib nafaqat huquqimdan foydalanaman, balki Vatanimiz rivojiga ham hissa qo‘shaman.

Shuningdek, saylovlar fuqarolarning faolligini ham oshiradi. Ovoz berish jarayoni orqali odamlar o‘z tanlovlarini ifoda etish va davlatning muhim masalalariga ta’sir etish imkoniyatiga ega bo‘lishadi. Saylov jarayoni demokratik qadriyatlarni mustahkamlaydi. Shu bois, ovoz berish, erkinlik va adolat asosida o‘tishi kerak. Demak, saylovdan keyingi davr ham muhim ahamiyatga ega. Saylovlar o‘tkazilgach, yangi rahbarlar o‘z va’dalarini bajarish va jamiyatga xizmat qilish majburiyatini oladilar. Ularning faoliyati, saylov jarayonida berilgan ovozlarning ahamiyatini ko‘rsatadi.

Saylov tizimidagi kamchiliklar sabab bugungi kunda saylov tizimiga o‘zgartirish kiritilmoqda. Hozirgi saylov tizimi – majoritar. Qonunchilik palatasida 150 ta deputatlik o‘rni mavjud. Majoritar saylov tizimiga ko‘ra, saylov uchastkasiga kelgan saylovchi nomzodlarga ularning ism-familiyasiga qarab ovoz beradi. Ya’ni, majoritar tizimda saylovchilar ro‘yxatdan o‘tgan aniq shaxslarga ovoz beradi. Qaysi nomzod saylovning birinchi turidayoq 50 foizdan ko‘proq ovoz olsa, deputat bo‘ladi. Hech kim 50 foizdan ko‘proq ovoz ololmasa, ikki haftadan keyin, eng ko‘p ovoz olgan ikki nomzod ishtirokida saylov qayta bo‘ladi. 2-turda kim ko‘proq ovoz olsa, deputatlik kreslosi uniki bo‘ladi.

Endilikda shu tizimga proporsional tizimni ham qo‘shib, aralash saylov tizimiga o‘tish taklif qilinyapti. Ya’ni, 150 ta deputatdan yarmi avvalgidek to‘g‘ridan-to‘g‘ri ravishda (saylovchilar unga ovoz beradi), qolgan yarmi esa partiya ro‘yxatlari asosida saylanadi (saylovchilar partiyaga ovoz beradi). Bunda Qonunchilik palatasidagi o‘rinlar soni 150 ta ekanidan kelib chiqib, har bir partiya Markaziy saylov komissiyasiga 75 kishidan iborat (150 deputatning yarmi – 75 o‘rin) ro‘yxat beradi. Saylovchilar uchastkaga kelganda, proporsional shaklda ovoz berishda aniq shaxslarga ovoz bera olmaydi. Saylov byulletenlarida partiyalarning nomi yozilgan bo‘ladi. Saylov kuni qaysi partiya saylovchilarning ko‘p ovozini olsa, o‘sha partiya proporsional ravishda parlamentdan o‘rin oladi.

Misol uchun, Ekologik partiyasi saylovchilarning 30 foiz ovozini oldi. Markaziy saylov komissiyasiga taqdim qilingan 75 kishilik ro‘yxatdan yuqorida turgan 30 foizi deputat bo‘ladi, ya’ni 22 kishi. Shu tariqa partiyalar necha foiz ovoz olsa, ro‘yxatidagi nomzodlarining shuncha ko‘pini parlamentga kirita oladi. Proporsional tizimning kuchli tomoni – bu partiyalarni kuchayishga majbur qiladi. Chunki partiyalarning g‘oyasi, obrazi, mafkurasi, dasturi, ko‘targan muammolari qanchalik xalqchil va tushunarli bo‘lsa, shuncha ko‘p ovoz oladi. Bu esa faqat saylovga tayyorgalik bosqichida emas, saylovdan keyingi bosqichda ham deputatlarning o‘z va’dalarini bajarishga undaydi.

Men – saylovga tayyorman, chunki bu nafaqat shaxsiy huquqim, balki burchim hamdir. Men o‘z ovozim bilan kelajakni shakllantirishda ishtirok etayotganimdan mamnunman!

МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИДАГИ БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ КЎЗДАН КЕЧИРИЛДИ

Муродбек ҲАЙДАРОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Мирзо Улуғбек тумани – Тошкент шаҳрининг энг йирик туманларидан бири. Мазкур туманнинг умумий майдони 5 929 гектар бўлиб, бугунги кунда аҳоли сони 331,18 минг нафарни ташкил этади. Туманда 70 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд. Туман иқтисодиёти ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишга асосланган.

Туман ҳокимлиги матбуот хизмати томонидан оммавий ахборот воситалари вакиллари, блогерлар ва жамоатчилик аъзолари учун Мирзо Улуғбек туманида куз-қиш мавсумига тайёргарлик, ободонлаштириш ҳамда қурилиш-таъмирлаш ишлари билан танишиш мақсадида пресс-тур ташкил қилинди.

Пресс-тур давомида туман ҳудудида олиб борилаётган ишлар билан танишиш мақсадида бир қанча манзилларда бўлдик. Дастлабки манзил “Чингелди” МФЙ бўлди. Бу ерда аввал аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлайдиган сув тармоқлари мавжуд бўлмаган. Мазкур ҳудуддаги кўп сонли аҳолининг мурожаатларига асосан,



маҳалла фуқаролар йиғинига янги ичимлик суви тармоқлари тортилмоқда. Бу ҳудудда аҳоли асосан ерли ҳовлиларда истиқомат қилади.

– Ушбу МФЙда 15 йилдан буён яшаб келмоқдаман, – деди Бегзод кўчасида истиқомат қилувчи Абдуҳаким Мамарайимов. – Бизни кўп йиллардан бери ичимлик суви муаммоси қийнаб келаётганди. Айниқса, совуқ қиш кунлари бу катта ташвиш бўларди. Мутасаддиларга кўп маротаба ушбу муаммо бўйича мурожаат қилганмиз. Бугунги кунга келиб, мазкур муаммо ўз ечимини топмоқда. Ҳозирда кўчамиз бўйлаб ичимлик суви тармоқлари тортиляпти. Тез орада хонадонларимизга тоза ичимлик суви келади.

Пресс-тур иштирокчиларининг кейинги манзили янги бекатлар ўрнатилаётган Миллий боғ кўчаси бўлди. Ушбу кўча “Алишеробод”, “Жасорат”, “Заковат”, “Иқтидор”, “Ижодкор” ва “Чингелди” каби 6 та МФЙдан ўтади. Маълум қилинишича, мазкур кўчада олдин деярли автобус бекатлари мавжуд бўлмаган, борлари ҳам яроқсиз ҳолатга келиб қолган. Аҳолидан келиб тушган мурожаатларга асосан, ҳозирда кўча бўйлаб 15 та автобус бекати ўрнатилмоқда.

Миллий боғ кўчасида олиб борилаётган ишлар билан танишганимиздан сўнг “Геофизика” МФЙ томон йўл олдик. Мазкур маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам ободонлаштириш ишлари авжида экан. Хусусан, электр таъминоти тармоқлари сип кабелларга алмаштирилиб, кўчаларга



ёритиш чироқлари ўрнатилган. Ичимлик суви тармоқлари эскирганлиги сабабли ва маҳалланинг баъзи ҳудудларида тармоқ мавжуд эмаслиги инобатга олиниб, янги қувурлар тортилмоқда. Шунингдек, кўп қаватли уйлар олдида болалар майдончалари ҳамда Workout майдонлари қурилди.

– Ҳозирги кунда “Тошкент шаҳар сув таъминоти” МЧЖ томонидан 1 300 метр узунликдаги эски сув қувурлари янгисига алмаштирилмоқда, – деди “Геофизика” МФЙ раиси Абдуғаффор Мадазов. – Шунингдек, кўчаларимизда тунги ёритиш чироқлари мавжуд эмас эди, бугунги кунда 42 та янги чироқ маҳалламиз кўчаларини, йўлларни ёритмоқда. Бундан ташқари, 3 та болалар майдончаси ва Workout майдонлари ташкил этилди. Ҳудудимизда яна баъзи муаммолар бор, бироқ улар ҳам босқичма-босқич ўз ечимини топади, деган умиддамиз.

Булардан ташқари, Мирзо Улуғбек туманидаги “Тракторсозлар” МФЙ ҳудудида мини-футбол ҳамда спорт майдончаси ҳам ташкил этиляпти. Аҳолининг мурожаатига асосан, кўп қаватли уйлар олдида айвончалар ташкил этилмоқда.

Шунингдек, туманнинг “Азамат” МФЙда ҳудудни Тошкент вилояти маҳаллалари билан боғловчи темир йўл кесишмасида аҳолининг дам олиши учун боғ барпо этилмоқда. Айни пайтда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб бориляпти. Боғнинг умумий майдони тахминан 1 гектарни ташкил этади.

Мазкур туманда юқорида келтирилган ободонлаштириш ва қурилиш-таъмирлашдан ташқари ҳам яна бир қатор ҳудудларда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, аҳолига қулайлик яратиш мақсадида куз-қиш мавсумига ҳам пухта тайёргарлик кўриляпти.

ПРАВИТЕЛЬСТВО РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН

получила кредит от Всемирного банка (Банка) на реализацию Проекта “Развития сельской инфраструктуры” и намеревается использовать часть средств данного кредита для финансирования правомочных платежей по контракту на выполнение проектно-изыскательных работ и разработку рабочего проекта под ключ по следующим объектам:

№	Наименование объекта	Номер контракта	Стартовая стоимость работ (сум без НДС)	Срок выполнения работ (календарных дней)
1.	Асфальтирование внутренних дорог V-категории в МСГ “Гулобод” Пахтаабадского района Андижанской области	MOEI-RIDP-AND-CS-80	58 953 280	60
2.	Асфальтирование внутренних дорог V-категории в МСГ “Дунгкишлок” Пахтаабадского района Андижанской области	MOEI-RIDP-AND-CS-81	68 135 200	60
3.	Асфальтирование внутренних дорог V-категории в МСГ “Терактаги” Пахтаабадского района Андижанской области	MOEI-RIDP-AND-CS-86	72 604 000	60
4.	Асфальтирование внутренних дорог V-категории в МСГ “Чорсу” Пахтаабадского района Андижанской области	MOEI-RIDP-AND-CS-89	71 333 920	60
5.	Улучшение электроснабжения МСГ “Какир” Булакбашинского района Андижанской области	MOEI-RIDP-AND-CS-100	72 949 110	35
6.	Улучшение электроснабжения МСГ “Якка тол” Бустанского района Андижанской области	MOEI-RIDP-AND-CS-128	3 521 600	20
7.	Улучшение электроснабжения МСГ “Янги кишлок” Бустанского района Андижанской области	MOEI-RIDP-AND-CS-129	2 831 600	20
8.	Улучшение электроснабжения МСГ “Фаровон” Улугнарского района Андижанской области	MOEI-RIDP-AND-CS-130	1 727 600	20

Инжиниринговая компания СЕЗ Андижанского областного хокимията (далее именуемый “Заказчик”)

приглашает проектные организации представить объединенные технические и финансовые предложения по предоставлению следующих консультационных услуг: выполнение проектно-изыскательных работ и разработку рабочего проекта под ключ по вышеуказанным объектам. Торги будут производиться в соответствии с процедурами национальных конкурсных торгов (НКТ), установленными в “Правилах закупок для заемщиков ФИП Всемирного банка” и в нем могут принять участие любые участники из правомочных стран, как определено в Правилах.

Заинтересованные правомочные проектные организации могут получить более подробную информацию в Консалтинговом центре по организации государственных закупок в сфере строительства Андижанской области и ознакомиться с тендерной документацией в рабочее время с 9.00 до 18.00 по нижеуказанному адресу. Полный комплект тендерной документации на русском языке может быть приобретен заинтересованными участниками торгов по предоставлению письменной заявки по нижеуказанному адресу и оплаты невозмещаемого взноса. Оплата для покрытия расходов по распечатке и рассылке/транспортных расходов составляет 375 000 сум.

Технические и финансовые предложения должны быть представлены в Консалтинговый центр по организации государственных закупок в сфере строительства по следующему адресу: г. Андижан ул. А. Навои, 30 (здание главного управления строительства, 1-этаж, кабинет 106) не позднее 16.00, 9 ноября 2024 года.

Подача предложений:

a) заявки должны быть представлены в форме, прилагаемой в тендерной документации;

b) **цены тендерных предложений должны быть указаны без НДС;**

c) крайний срок подачи заявок – **09.11.2024 года, 16.00**;

d) **организация для подачи заявок:** Консалтинговый центр по организации государственных закупок в сфере строительства

Адрес: г. Андижан ул. А. Навои, 30 (здание главного управления строительства, 1-этаж, кабинет 106).

Ответственный представитель консалтингового центра: М. Топволдиев.

Адрес электронной почты: andijon.tender@mail.ru

Предложения должны быть получены нарочно по адресу и не позднее указанной выше даты и времени. Предложения, поступившие после истечения крайнего срока подачи, не будут рассматриваться. Любое предложение, полученное после истечения крайнего срока подачи, объявляется опоздавшим, отклоняется и возвращается Участнику Торгов нераспечатанным.

ТАДБИРКОРЛАР ВА САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

“Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖ

очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

“Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖ томонидан ташкил этиладиган очиқ танлов савдоларига “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖнинг 2024 йил 18 октябрдаги 693-сонли буюртманомасига асосан, “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ ҳудудида жойлашган савдо шохобчаларининг ижарага олиш ҳуқуқи бошланғич баҳоси ўзгарган ҳолда такроран қўйилмоқда:

№	Савдо шохобчаларининг асосий тавсифлари	Бошланғич баҳоси, сўмда
1.	**12-21-1**-сонли, умумий майдони **9,00 м²** бўлган савдо шохобчаси	144 000 000
2.	**12-21-2**-сонли, умумий майдони **9,00 м²** бўлган савдо шохобчаси	144 000 000
3.	**12-21-3**-сонли, умумий майдони **9,00 м²** бўлган савдо шохобчаси	144 000 000
4.	**12-21-4**-сонли, умумий майдони **9,00 м²** бўлган савдо шохобчаси	144 000 000
5.	**12-21-5**-сонли, умумий майдони **9,00 м²** бўлган савдо шохобчаси	144 000 000
6.	**12-21-6**-сонли, умумий майдони **9,00 м²** бўлган савдо шохобчаси	144 000 000
7.	**12-21-7**-сонли, умумий майдони **9,00 м²** бўлган савдо шохобчаси	144 000 000
8.	**12-21-8**-сонли, умумий майдони **9,00 м²** бўлган савдо шохобчаси	144 000 000
9.	**12-21-9**-сонли, умумий майдони **9,00 м²** бўлган савдо шохобчаси	144 000 000
10.	**12-21-10**-сонли, умумий майдони **9,00 м²** бўлган савдо шохобчаси	144 000 000
11.	**12-21-11**-сонли, умумий майдони **9,00 м²** бўлган савдо шохобчаси	144 000 000
12.	**12-21-12**-сонли, умумий майдони **9,00 м²** бўлган савдо шохобчаси	144 000 000
13.	**12-21-13**-сонли, умумий майдони **9,00 м²** бўлган савдо шохобчаси	144 000 000
14.	**12-21-14**-сонли, умумий майдони **9,00 м²** бўлган савдо шохобчаси	144 000 000
15.	**12-21-15**-сонли, умумий майдони **9,00 м²** бўлган савдо шохобчаси	144 000 000
16.	**12-21-16**-сонли, умумий майдони **9,00 м²** бўлган савдо шохобчаси	144 000 000
17.	**12-21-17**-сонли, умумий майдони **9,00 м²** бўлган савдо шохобчаси	144 000 000
18.	**12-21-18**-сонли, умумий майдони **9,00 м²** бўлган савдо шохобчаси	144 000 000
19.	**12-21-19**-сонли, умумий майдони **9,00 м²** бўлган савдо шохобчаси	144 000 000
20.	**12-21-20**-сонли, умумий майдони **9,00 м²** бўлган савдо шохобчаси	144 000 000
21.	**12-21-21**-сонли, умумий майдони **7,00 м²** бўлган савдо шохобчаси	112 000 000
22.	**12-18-31**-сонли, умумий майдони **18,00 м²** бўлган савдо шохобчаси	216 000 000
23.	**37-43**-сонли, умумий майдони **20,00 м²** бўлган савдо шохобчаси	160 000 000
24.	**37-44**-сонли, умумий майдони **20,00 м²** бўлган савдо шохобчаси	160 000 000
25.	**37-45**-сонли, умумий майдони **20,00 м²** бўлган савдо шохобчаси	160 000 000

Савдода иштирок этиш истагини билдирган талабгорлардан ариза-лар ушбу хабарнома чоп этилган санадан бошлаб расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). **Таклифларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2024 йил 6 ноябрь куни соат 16.00 гача.

Талабгорларнинг таклифлари 2024 йил 8 ноябрь куни соат 11.00 дан бошлаб кўриб чиқилади. Энг юқори таклифни берган талабгор билан сотувчи ўртасида келишув битими тузилади.

Танлов савдо шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2024 йил 22 ноябрь, 6, 20 декабрь кунлари сотилгунга қадар соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар ёпиқ конвертда солинган таклифлари ва ариза билан биргаликда қуйидаги хужжатларни тақдим этишади:

юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

жисмоний шахслар – СТИР ва паспортнинг нусхаси.

Талабгорлар ижарага олиш ҳуқуқининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги суммани закалат сифатида “Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт: 2020 8000 9057 4042 7002 ХАТБ “Davr bank” Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 311 041 441.

Таклифи маъқул топилган талабгорга савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 банк кун ичида сотувчи билан ижара шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

Телефон: 71-237-23-82.

“RESPUBLIKA MULK MARKAZI” МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиали

бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдога Ўзбекистон Республикаси ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасининг 2024 йил 24 октябрдаги 02/03-08/2616-сонли алоқа хатига асосан қуйидаги автотранспорт воситаси чиқарилмоқда:

2011 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 426 KBA бўлган, таъмирталаб қониқарсиз ҳолатдаги “ДАМАС” русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 10 535 000 сўм.

Аукцион савдо 2024 йил 25 ноябрь куни соат 11.00 дан бошлаб Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-“Б” манзилида жойлашган “Respublika mulk markazi” МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиали биносида ўтказилади.

Аукцион савдода иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 га қадар қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). **Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** аукцион савдодан бир кун олдин соат 18.00 гача.

Савдо ғолиби деб топилган шахсларга 20 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Савдога қўйилган мулк билан шанба ва якшанбадан ташқари кунлари бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчиси “Respublika mulk markazi” МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 7005 7145 2012 АТБ “Давр банк” Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850 ОКОНХ 84200.

Аукцион савдо ўтказиладиган манзил: Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-“Б” уй.

Тел.: 61-222-84-44.

Расмий сайтимиз: www.rmm.uz

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№87 (840) 2024 йил 25 октябрь

Маданият марказлари янгиланмоқда

Зулфизар МАВЛОНОВА,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Маданият уйлари маданий-оммавий тадбирларни ташкил этишда, ижодий тўгарак ва машғулотлар билан ёшларнинг маънавий тарбиясини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутади. Президентимиз раислигида 2023 йил 22 декабрь куни ўтказилган Республика маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида ҳар бир шаҳар ва туманда кино зал, кутубхона, тўгарак хоналари мавжуд бўлган маданият марказини барпо этиш, ҳудудларда маданий тадбирлар ўтказиш ҳамда ёшларни санъатга жалб қилиш борасида топшириқлар берилган эди.

Мазкур вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Бухоро вилоятида ҳам кенг кўламли ишлар амалга ошириляпти.



Кенг дунёқараш ва серқирра ижод билан

“Қоракўл” МФЙда жойлашган “Дўрмон” маданият маркази маҳаллий бюджет ҳисобидан қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Ҳар бир ҳудудда маданият уйларининг ташкил этилиши аҳолининг, айниқса, ёшларнинг маънан бой ва кенг дунёқараши кенг бўлиб улғайишига туртки бўлади. Қоракўл туман



маданият уйининг замонавий кўринишда реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилгани ҳудуд аҳолисини ҳам қувонтирди.

– Туманимизда яна ўз фаолиятини бошлаган маданият уйида турли тўгарак хоналари, кинозал ва кутубхона мавжуд, – деди “Дўрмон” маданият маркази фойдаланувчиларидан бири. – Тўгаракларда юздан ортиқ тенгдошларим рақс, эстрада ижрочилиги, рубоб ва доира чалишни ўрганишяпти. Чекка ҳудудда яшашимизга қарамай, маданият уйи кенг дунёқараш, серқирра ижодкор бўлиш ҳамда иқтидоримизни ривожлантиришимиз учун беминнат хизмат қилаётганидан мамнунмиз.

Бўйрачилик ривожлантирилмоқда

Ғиждувон туман 47-сонли “Оқ олтин” маданият маркази ҳам маҳаллий бюджет маблағларидан қайта таъмирланиб, барча қулайликлар яратилди. Мазкур марказда мусиқий йўналишда, рақс, нутқ маданияти сингари ўнлаб тўгарак фаолияти йўлга қўйилди. Қолаверса, халқнинг маданий ҳордиқ олиши учун кинозал ҳам ташкил этилди. Марказдаги кутубхона ҳар куни китобхонлар билан гавжум. Ушбу маданият уйи ва тумандаги бошқа маданият марказларидаги қулайликлар ҳақида Ғиждувон туман маданият бўлими бошлиғи Фарруҳ Шаропов батафсил маълумот берди:

– Туманда 4 та маданият уйи мавжуд. Улар 70 минг аҳолига хизмат кўрсатади. Маданият маркази кутубхоналари 46 мингга яқин китоб фондига эга. Тўгараклар хизматидан каттаю кичик ёшдаги аҳоли бирдек фойдаланишмоқда. Ёши катта ғиждувонликлар томонидан фольклор жамоаси ҳам тузилган. Алоҳида қайд этиш керакки, “Сармижон” МФЙда аҳоли кўплиги сабабли маҳаллада янги маданият маркази иш бошлади. Маҳалладаги Бўробод қишлоғида эса бўйрачилик ҳунари анча шакллантирилган. Янги қурилган маданият маркази айнан шу каби номоддий маданий меросни асрашга ҳисса қўшмоқда.

Китобхонлар билан гавжум

Жамиятнинг маънавий юксалишида маданият марказларининг ўрни беқиёс. Улар одамларга нафақат маданият, балки ахлоқ, инсоний қадриятлар ва ўзаро ҳурматни ўргатади. Шу вазифаларни илгари суриб келаётган Ромитан туманида аҳоли зич жойлашган ҳудудлардан саналган “Тошработ” МФЙдаги 34-сонли “Навбаҳор” маданият уйи таъмирланиб, талаб даражасида жиҳозланди.

Маданият уйи биноси 1980 йилларда барпо этилган ва 2017 йилда бино туман маданият бўлимига топширилиб, қайта реконструкция қилинган. Бугунги кунда маданият маркази сифатида туман ёшларининг санъат ва мусиқа бўйича таълим олишларига хизмат қиляпти. Марказнинг замонавий кўринишга келиши ва жиҳозланиши учун бюджет маблағлари ҳисобидан қарийб 300 млн сўм ажратилди. Кинозал ва икки мингдан ортиқ китоб фондига эга кутубхона фаолият юритмоқда. Кутубхона ҳар куни китобхонлар билан гавжум. 16 нафар педагог ўқитувчи ва тўгарак раҳбари юздан ортиқ ёшларга санъат ва чолғучилик сирларини ўргатмоқда.

“Янги диёр”да хорижий тиллар ўргатилмоқда

Яқинда таъмирланиб фойдаланишга топширилган яна бир маскан Пешку туманининг Туркистон маҳалласидаги 37-сон “Янги диёр” маданият марказидир. Бино 50 йилдан кўп вақт мобайнида фойдаланиб келинган ва таъмирталаб аҳволга келиб қолган эди. Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 649 миллион сўм маблағ ажратилиб, маскан замонавий имкониятлар билан таъминланди.

– Мазкур маданият маркази 20 минг аҳоли истиқомат қилаётган 6 та маҳаллага хизмат кўрсатади, – деди Пешку туман маданият бўлими бошлиғи Шермат Турдиев. – Марказ зарур имкониятлар, хусусан, кинозал, кутубхона ва тўгарак хоналарига эга. Санъат йўналиши ҳамда рақс бўйича тўгараклар ташкил қилинган. Маҳалла фуқароларининг талабларига биноан инглиз тили дарслари йўлга қўйилган. Қолаверса, марказ қошидаги “Миришкор” халқ ҳаваскорлиги фольклор ансамбли туманда ўтказиладиган тадбирларда ўз чиқишлари билан фаол қатнашмоқда.

Ижод маркази

Вобкент туманидаги 27-сон маданият уйи ҳам миллий маданият, анъана ва ватанпарварликни тарғиб этишда намуна кўрсатиб келмоқда. Марказ қайта таъмирланиб, фаолияти кенгайтирилди. Бу ерда ҳам томоша заллари, кинозал ва тўгараклар ташкил этилди. Маданият вазирлиги томонидан 7 турдаги 48 та чолғу асбоби билан таъминланди. Бу эса чолғучилик тўгараги аъзолари учун қувонарли янгилик бўлди.

Шунингдек, Халқ театри жамоаси, Мардона фольклор жамоаси, Зафар цирк жамоалари фаолият юритяпти. Бунда катта-кичик ёшдаги барча қатнашчилар иштиёқ ва меҳр билан ижод қилишади. Аввало, шунинг ўзи санъат аҳли, ижод эгалари учун катта ютуқ дейиш мумкин.

Бошқа маданият марказларидан фарқли ўлароқ, Халқ театри жамоаси негизида драма тўгараги, кўғирчоқ театри ва аскиячилар гуруҳи ҳам ташкил этилган. Жамоалар чиқишларини 7 ёшдан 70 ёшгача фуқаролар завқ билан томоша қилишмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ҳар бир ҳудудда маданият марказларининг фаолияти ривожлантирилиши, биноларнинг қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилиши бутун аҳоли, айниқса, ёшлар учун кенг имконият демакдир. Зеро, бундай марказлар миллий ғурур, азалий қадриятларни сақлаб қолиш ва маънавий ҳаётни бойитишда муҳим ўрин тутади.

Эл-юртга наф келтираётган тадбиркор

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Янги Ўзбекистоннинг гўзал манзарасини Сурхондарё вилояти мисолида қўшни давлатларга ҳам танитишни мақсад қилган тадбиркорлардан бири, 2007 йилда Чиннихол Тожибоева таъсисчилигида ташкил қилинган “Термиз қурилиш индустрия саноат” инжиниринг компанияси раҳбари Абдулваҳоб Абсатторовдир.

Аслида кўп қаватли турар жойлар ва ижтимоий объектлар қуриш фаолияти Абдулваҳоб ака учун янгилик эмас. 43 йиллик умри шу соҳада ўтди, вақт ёшига-ёш қўшиш баробарида тажрибасини оширди, эл-юрт орасида моҳир қурувчи, деган шарафли номга сазовор бўлди.

Мустақиллик байрамининг 33 йиллиги арафасида мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириб, ишлаб чиқариш салоҳиятини кенг шакллантиришга ҳисса қўшаётган бир гуруҳ тадбиркорлар Президентимиз Фармонига кўра давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланишди. Улар орасида қурувчилар ҳам борлиги соҳа вакилларига берилган муносиб баҳодир. Шулар қатори Абдулваҳоб Абсатторов ҳам “Шуҳрат” медали билан тақдирланган эди.

Жамоанинг улуғ мақсади ҳудудларда бунёд этилаётган кўп қаватли турар жойлар ва бошқа иншоотларда яққол кўзга ташланмоқда. Жумладан, кейинги етти йилда Термиз шаҳридаги Тупроққўрғон маҳалласида 3 қаватли турар жой қурилиши, “Сурхон соҳили” массивида кўп қаватли бино, шу маҳаллада яшаётган кам таъминланган оилалар учун 1 та 3 қаватли уй-жой, Шодлик маҳалласида 56 хонадонли 2 та турар жой, Мангузар маҳалласида 5 қаватли, ҳар бири 36 хонадондан иборат 4 та уй-жой ҳамда олд қисми савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларидан иборат бунёдкорлик ишлари, 2021-2023 йилларда эса Термиз шаҳрининг Мустақиллик кўчасида 2 та ҳар бири 36 хонадондан иборат 72 хонадонли уй-жой, Марказий деҳқон бозори ёнида 2 та 7 қаватли 108 хонадонга мўлжалланган турар жой, Гулистон маҳалласининг Фидокор кўчасида 3 та 5 қаватли 100 хонадондан иборат уй-жой, шаҳардаги кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилалар учун арзонлаштирилган 2 та 5 қаватли, худди шу йўналишда яна 2 та 5 қаватли турар жойлар қурилиши ҳам корхона жамоасининг фидойи меҳнатлари билан қад ростлади.

Бу ҳаётда ҳеч ким бирор нарсага муҳтож бўлмасдан яшашини шиорга айлантирган Абдулваҳоб Абсатторов нафақат тажрибали қурувчи сифатида, балки саховатпешаликда ҳам вилоятда ҳурмат-эътибор топган. Шу йўналишда муҳтожлар учун ўз ҳисобидан бир нечта оилани уй-жойли қилганини кўпчилик яхши билади. Шунингдек, ҳудудлардаги мактабгача таълим ташкилотлари, мактаб, маҳалла фуқаролар йиғинига янги бинолар, спортни ривожлантириш ҳамда Термиз шаҳрини ободонлаштириш ишларига “Саховат ва кўмак” жамғармаси орқали бир неча миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатди.

Шу билан бирга, Термиз шаҳридаги учта маҳаллада яшаётган ногирони бор оилаларни мунтазам равишда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб келади. Корхона ташкил топгандан буён унинг оғир-енгилини елкасида кўтарган ишчилардан тўрт нафарининг олий ўқув юртларида ўқиётган фарзандларига контракт пуллари ҳам корхона ҳисобидан тўлаб берилмоқда. Изланувчан тадбиркорнинг кейинги давридаги фаолияти ҳам турдош корхоналардагидан кам эмас. Термиз шаҳридаги кўзи ожизлар кутубхонаси биносини замонавий лойиҳа асосида қайта қуриш ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилган. Боғишамол мавзесида эса 7 қаватли уй-жой қурилишида сўнгги пардозлаш ишлари бажарилаётган бўлса, бир вақтнинг ўзида “Фаровон” массиви, “Чегара” МФЙнинг 3-мавзесида 12 қаватли турар жой биносини қуриш ҳамда Мустақиллик майдони (Эски шаҳар) ёнида 1-2-қавати савдо дўконлари ва қолган қаватлари турар жой бўлган 9 қаватли бино қурилишида ишлар қизғин давом этмоқда.

Йиллар давомида мана шундай ютуқларга эришишнинг ўзи бўлмаган. Жамоада меҳнат қилаётган 186 нафар ишчи-ходим раҳбар ишончини оқлаган. Ўзларига бириктирилган вазифани кўнгилдагидек уддалашнинг ҳадисини олган.

Яна бир жиҳати шуки, корхона раҳбари давлатимиз раҳбарининг қарорига биноан маҳаллий хомашёдан қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни вилоятда биринчилардан бўлиб йўлга қўйгани объектларда ишлар бардавом бўлишини таъминламоқда.

Айни пайтда корхонада 2 та пишган ғишт ишлаб чиқариш цехи, 1 та темир-бетон тайёрлаш заводи, 2 та эшик-ром ва акфа-алюмин ҳамда МДФ эшиклари ишлаб чиқариш цехи, том устига қўйиладиган бетондан тайёрланган девор-тўсиқ, чуқурларга қўйиладиган темир-бетон маҳсулоти ҳамда қопқоғи (колодец кольцоси) каби 65 турдаги қурилиш маҳсулотлари тайёрланмоқда. Талабга кўра, шартнома асосида бошқа қурилиш ташкилотларига ҳам етказиб берилмоқда. Бугунги кунда объектлардаги ишларни ўз муддатида уддалашда 95 та техника ёрдам бермоқда. Ишчи-ходимлар ва техникаларнинг кучи билан корхона жамоаси 2022-2024 йилларда 101 млрд сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириб, 3,9 млрд сўм даромад қилди. Сарф-харажатлардан ташқари, соф даромад 1,9 млрд сўмни ташкил этмоқда.

Корхонада соф даромадни расамад қилиш масаласи аниқ мезонлар асосида белгиланганидан ишчи-ходимлар мамнун. Унинг бир қисми ишчи-хизматчиларни моддий рағбатлантиришга, яна бир қисми замонавий техника ва технологиялар сотиб олишга йўналтирилади. 93 миллион сўм ҳомийлик ишларига сарфланди. Қолгани эса ишлаб чиқариш тармоғини кенгайтириш асосида қўшимча иш ўринлари яратишга қаратилган. Қатъий белгиланган режага биноан, тадбиркор ҳар йили янги лойиҳаларга таяниб, ёшларга доимий иш ўринлари яратишга одатланган. Анъанага кўра, жорий йил якунланишига ҳали бироз вақт бўлса-да, бу борадаги ишлар лойиҳаси аллақачон тайёрланган. Ёшларни касбга йўналтириш бўйича ўқув маркази қуриш, 2 та қурилиш материаллари ишлаб чиқариш цехини бунёд этиш, хориждан технологиялар олиб келиш шулар жумласидан.

Йиллар силсиласи тадбиркор Абдулваҳоб Абсатторовни ҳам бошқа юртдошларимиз қаторида жуда кўп синовлардан ўтказди ва тоблади. Ота-боболар айтганидек, “Ҳали шундай кунлар келади, доруломон омон бўлади”, дея мақсад сари дадил одимлади. Бугунги кунда эса унинг орзулари ушалиб, эл-юртга нафи тегиб, Янги Ўзбекистонни қуришга ҳисса қўшаётганидан миннатдор.

ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ муборак бўлсин!

2024 йил октябрь ойининг 25-28 саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Хизмат хоналари фарроши **Арофат Азимова,** Давлат архитектура назорати бошқармаси бошлиғи ўринбосари **Азамат Холмўминов,**

Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти директор ўринбосари **Одилжон Тоҳиров,**

“Қишлоққурилишлойиҳа” Бош лойиҳа институти МЧЖ Бош режаларни ишлаб чиқиш ва ҳудудларни меъморий-режавий ташкиллаштириш бошқармаси бошлиғи **Камолжон Эшдавлатов,**

“Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти” Давлат муассасаси бош мутахассиси **Капитолина Царевская,** “Шимолий” филиали лойиҳа бош архитектори **Азизбек Тилеуов,** “Марказий” филиали бош муҳандиси **Азиз Ўктамов,** “Хоразм” филиали бош мутахассиси **Сарсенбай Матсапаев,**

“Ўзоғирсаноатлойиҳа” ОВ техниги **Сардор Суннатов,**

“O‘zshaharsozlik LITI” Бош лойиҳа институти ДМ Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бошқармаси 1-устахонаси 2-тоифали архитектори **Одилжон Бердимуродов,** 7-устахонаси техниги **Ниҳола Қудратова,** Хўжалик ва дастурий-техник таъминоти бошқармаси қўриқчиси **Дилшод Исамуҳамедов,**

“Иссиқлик манбаи” ДУК Навоий вилояти филиали бош муҳандиси **Баҳодир Суюнов,** Хоразм вилояти филиали бош муҳандиси в.в.б **Марина Вагапова,**

“Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ Қорақалпоғистон филиали бош мутахассиси **Руслан Серимбетов,**

Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси хизматчиси **Лайло Ҳасанова,** Туман-шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимлари фаолиятини мувофиқлаштириш шўъбаси бошлиғи **Фарҳод Бобоев,** Олот тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Аҳмад Файзиев,** Пешку тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Мавлон Сарабаев,** Ғиждувон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими етакчи мутахассиси **Азиз Сафоев,**

Наманган вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси қоровули **Олимжон Абдуҳалилов,** Косонсой тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Алишерхон Бобохонов,**

Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармаси етакчи мутахассиси **Сарвар Зокиров,**

Фарғона вилояти Бағдод тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Зайлобиддин Хидиров,** Ўзбекистон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой ва коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Асилахон Абдуллаева,**

Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманидаги “Beruniy Servis Kom” БСК МЧЖ бош директори **Атабек Сабиров,** Қораўзак туманидаги “Омаров Омир” БСК МЧЖ бош директори **Омирбай Омаров,**

Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги “Умид АДХ” БСК МЧЖ бош директори **Шавкат Тўраев,**

Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги “Ohangaron Kelajak Zamin” БСК МЧЖ бош директори **Жамшид Фозилхонов,**

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги “Madaniyatli Xudud” БСК МЧЖ бош директори **Маданият Рўзимова,** Олмазор туманидаги “Shodiyona Ta’mirlash Kompaniyasi” БСК МЧЖ бош директори **Бахтиёр Ахрамов,** Сергели туманидаги “Universal New Forrever” БСК МЧЖ бош директори **Ҳаёт Шодмонқулов,** “Midlan Ta’mir servis” БСК МЧЖ бош директори **Руслан Тё**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров
(Таҳрир ҳайъати раиси),
Шерзод Ҳидоятов,
Давронжон Адилов,
Тоир Алиматов,
Озода Жўраева,
Козим Туляганов,
Юлдаш Магрупов,
Жамшид Исмаилов,
Бобир Элмуродов,
Қудратбек Хошимбеков.

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир — **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари — **Райҳона Хўжаева**

Саҳифаловчи — **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ — **Марҳамат Мусулмонқулова**

Газета “Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

“ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ” НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси, “ЎзГАШКЛИТИ” ДУК, “УзшаҳарсозликЛИТИ” ДУК, “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ, “УзгеорангметЛИТИ” ДУК.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 18-уй.
Телефонлар:
71-241-01-29 (қабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-1041.
1492 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
“Буюк Турон” кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир –
Р. Хўжаева.
Навбатчи –
А. Ҳақбердиев.

ЎзА якуни – 21.35.
Топширилди – 22.35.
1 2 3 4 5 6